

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ МУАММОЛАРИ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

профессор., **Тошбоев Абдураим Жаббарович**,
доцент., **Бўстонов Комилжон Кумакович**,
катта ўқитувчи., **Турдибаев Алишер Ишалиевич**,
катта ўқитувчи., **Азимов Рустам Батирович**,
Тошкент давлат аграр университети, ТДАУ

***Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон давлатида сув ресурсларидан фойдаланиш ва Афғонистон республикаси тамонидан Амударё сувидан фойдаланиш мақсадида Қуш тепа канали қазилаётганлиги оқибатлари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган.*

***Калит сўзлар:** Сув ресурслари, Қоштепа каналини қазииш, миллий маҳсулот, сув манбалари, ноқулай тақсимланиши, афғон - ўзбек сув мажораси, сув тежовчи технология, Орол денгизи, Толибон ҳукумати.*

***Аннотация:** В статье теоретически и практически изучены последствия рытья канала Коштепа с целью использования водных ресурсов в стране Узбекистан и использования амударьинских вод со стороны Республики Афганистан.*

***Ключей слова:** Водные ресурсы, раскопка канала Коштепа, национальный продукт, источники воды, неблагоприятное распределение, афгано-узбекский водный конфликт, водосберегающие технологии, Аральское море, правительство талибов.*

***Annotation:** The article examines theoretically and practically the consequences of digging the Koshtepa canal in order to use water resources in the country of Uzbekistan and the use of Amu Darya waters by the Republic of Afghanistan.*

***Keywords:** Water resources, excavation of the Koshtepa canal, national product, water sources, unfavorable distribution, Afghan-Uzbek water conflict, water-saving technologies, Aral Sea, Taliban government.*

Кириш. Марказий Осиёда жойлашган давларларнинг жами аҳолисига нисбатан Ўзбекистон аҳолиси қарийиб 50 фоизини ташкил этади. Йилига аҳолининг ўсиш даражаси 700 минг кишини ташкил этади. Лекин мустақил давлат бўлиб фаолият кўрсатаётганидан шу кунгача экин экиладиган майдони 20 млн. гектар, шунинг 4,3 млн гектарига деҳқончилик қилиб келмоқда. Айрим дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам сув муаммолари туфайли қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантириш имкони йўқлиги учун турли инновацион технологияларни тадбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрь 4919 рақамли “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида” ги ПҚ- 4919 сонли қарори қабул қилинди. Унда 2020 йилда 133 минг гектар экин майдонига томчилатиб суғориш ташкил этилди. 2021 йилда 230 минг гектар шунинг 160 минг гектарига пахта; 30 минг гектарига мева экинлари, 15 минг гектарига узум, 5 минг гектар ерга бошқа экинларни томчилатиб суғоришга дастурлари ишлаб чиқилди. Қарорга мувофиқ Тошкент вилоятининг 15та туманида 6788 гектар майдонига томчилатиб суғориш ташкил этиш ўрнига 35333 гектар майдонда ёки 28545 гектарга ортиқча ерга жорий этилди. Вилоятда ёмғирлатиб суғориш режа бўйича 1310 гектар бўлиб, ҳақиқатда 2568 гектар ёки 2 бараварга ошганлигини кўриш мумкин.

Томчилатиб суғориш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғоришни қўллашнинг самараси¹

Экин тури	Сув тежалиши, %да	Меҳнат сарфининг камайиши, %да	Ҳосилдорликнинг ошиши, %да
Боғ-токзорлар	40-60	25-30	20-25
Сабзавот-полиэ экинлари	50-55	50-60	55-65

¹Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари

1-жадвалда илмий муассасаларида олиб борилган томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинганда боғ-токзорларда сув тежалиши 40-60 фоизни, мева-сабзавотчиларида эса 50-55 фоизни ташкил этганини асослаб берилганлиги учун томчилатиб суғоришга катта имкониятлар бериш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик субекларига солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, пахта экилган майдонларни суғориш жараёнида, сув сарфини камайтиришни охирги 3-4 йилда синаб кўрилганда ғўзани 5-6 марта суғориш керак бўлса, янги технология бўйича 2 марта ғўзанинг ўсув шоналаш пайтида сув берилиб иқтисод қилинмоқда³. Ўзбекистонда сув ресурсларининг кескин камайиб бориши билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши туфайли мавжуд сув ресурсларидан тежамли фойдаланишни йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин. Чунки давлат худуда сув захиралари етмаганлиги туфайли сув ресурсларининг бир қисми Тожикистон республикасида оқиб ўтувчи Амударёдан келадиган сув ресурслардан олинади. Амударё нафақат Ўзбекистон халқини, балки қўшни Туркманистон, Қозоғистон эндиликда Афғанистон республикаларини ҳам сув ресурслари билан таъминлаб келади. Афғанистон республикасига Толибон ҳукуматининг кириб келиши мунособти билан Амударё сувидан фойдаланиш учун Қоштепа каналини қозиш ишлари амалга оширилмоқда. Янги канал қазилиши мунособати билан республиканинг Навои, Сурхандарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида сув билан таъминланиш муаммоси янада жадаллашаётганини кўриш мумкин. Бунинг ҳисобига деҳқончиликдан келадиган тушумнинг ва миллий маҳсулотнинг кескин камайишини башорат қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қисм. Ўзбекистон аграр идустриал ривожланган давлат бўлиб унинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар экин экиладиган майдони бўлиб, атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Сўнги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектарга) камайган. Мазкур ҳолатни аҳолининг кескин ортиши, сув

таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа ер тоифаларига ўтиши, ижтимоий соҳаларга берилиши натижасида юзага келган. Кўп йиллик прогнозларга кўра 30 йил мобайнида суғориладиган ер майдони яна 20-25 фоизга қисқариши кутилмоқда.

Ўзбекистон йилига 72,4 км³ сувдан фойдаланиш қувватига эга бўлиб: шунинг 61 км³ оқова сувлар, 11,3 км³ ер ости сувларини ташкил этади. Маълумки, республиканинг умумий ер майдонидан 20 млн. гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар бўлиб, шундан 4.3 млн. гектар ерга деҳқончилик қилинади. Чунки қолган ерларни ўзлаштириш учун сув манбалари бўлмаганлиги сабабли ўзлаштирилмай келмоқда. Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган - ерда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи сувли ерлар ҳиссасига тўғри келади. Жами қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 60 фоизидан ортигини суғорма деҳқончиликда етиштирилади. Суғорма деҳқончиликда 20 фоиз атрофидаги миллий даромад яратилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан икки дарё Амударё ва Сирдарё оқиб ўтиб унинг йиллик сув ўтказиш қуввати 121690 млн.м³ ни ташкил этади. Йилига Ўзбекистон республикасида 63020 млн.м³, Қирғизистонда 5140 млн.м³, Тожикистонда 13230 млн.м³, Қозоғистонда 25010 млн.м³ сув истеъмол қилинади. Бу сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги учун 85,6 % саноат ва маиший хизматларга 14,4% фойдаланади. Аграр соҳанинг бир йилда сувга бўлган талаби 55-56 миллиард метр кубни сувни ташкил қилади. Ўзбекистоннинг ўз территориясида шаклланадиган сув миқдори талабнинг 20 фоизини қондирадиган бўлса, қолган 80 фоизини Қирғизистон ва Тожикистон республикасида оқиб ўтувчи дарё сувидан олинади. Республиканинг умумий сув ресурслари асосан табиий ҳолда шаклланадиган ва қайта тикланадиган ер усти, жумладан дарё, сойлардан, ер ости сувларидан ҳамда ижтимоий соҳаларда сувни ишлатиш ёки ундан фойдаланиш жараёнида шаклланадиган ва сув манбаларига қайтариладиган оқова сувлардан ташкил топган бўлиб, унинг ўртача йиллик

хажми – ер усти сувлари-13667 млн.метр куб, ер ости сувлари-13530 млн.метр куб ва 23-25 млрд. метр куб қайтариладиган оқова сувлардир. Ер усти сувларини 85%, ер ости сувларини 30% гача миқдори қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланилади.

Ўзбекистондаги мавжуд дарёларнинг кўпчилигига тоғлардаги қорлар эриши ҳисобига сув манбалари шакилланади. Бундай дарёларда асосий сув оқими баҳор фаслига тўғри келади. Дарё сувларининг йил фасллари бўйича ноқулай тақсимланиши сув ресурсларидан фойдаланишни қийинлаштиради ва сув хўжалиги балансларида тангликни вужудга келтиради. Қишлоқ хўжалигида экинларни суғориш учун жами сув миқдорининг 92 фоизини истеъмол қилинади.

Ўзбекистонда сув захиралари миқдорининг чекланганлигини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган сувлардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун тинимсиз иқтисодий ислоҳатлар олиб бормоқда. Ердан фойдаланувчилар учун томчилатиб суғоришни ташкил этган фермер, деҳқон хўжаликларига солиқ чегирмалари жорий этилган. Тошкент вилоятида 2021 йилда 22400 гектар ерга сув тежовчи технологиялар қўлланилади. Шундан: 13000 гектарга томчилатиб суғориш, 5000 гектарга ёмғирлатиб, 20400 гектарга лазер ва кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланилди. Бу технологиялар лойиҳаси учун 367 млрд. сўм шундан: 146,8 млрд. сўмига ёки 40 фоизига субсидиялар берилди. Ирригация-мелиорация ишларини яхшилаш мақсадида 35 та лойиҳа асосан қурулиш ва реконструкция, таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Бу олиб борилаётган ислоҳатлар аввало мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун энг зарур ва чекланган сувдан янада самарали фойдаланиш ишларини олиб бораётган бир пайтда дарё сувларидан фойдаланишда трансчегаравий муаммоларни вужудга келиши сув тақчиллигини янада жадаллаштиради. Масалан: мамлакат ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига кескин хавф солаётган яна бир муаммо афғон –узбек сув мажорасидир. Афғанистон республикаси Балх вилоятидан ўрувчи Қош тепа каналининг Амударё қирғоғида қурилишидир. 2022йил 31 март куни Толибон ҳукумати тамонида ўтказилган

тақдимотда Сурхандарё вилоятидан ўтувчи Амударёдан сув олиш бўйича эди. Қоштепа каналининг узунлиги 285 км бўлиб 2022 йилда 40 км канал қазилиб, давом этмоқда уни қазиб битказиш муддати 6 йилга мўлжалланган. Умумий суммаси 684 млн. долларни ташкил этади. Олинадиган сув ҳисобига 6000 минг га ерлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Каналнинг эни 100м, чуқурлиги 8,5м каналдан 10 км куб сув олинади. Амударёнинг узунлиги 2540 км бўлиб охириги ўн йилликларда Орол денгизига умуман сув етиб бормади қолган эди. Амударёнинг сув ҳажми 79 м³ кмни ташкил этадиган бўлса, Толибон Ҳукумати тамонидан шу сувнинг 7,8 фоизини олмоқда. Шу сув ҳисобига Қорақолпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхандарё ва Хоразм вилоятларида фаолият юритаётган 40 та кластлага бириктирилган 428907га, Фермер хўжаликлари сони 30577та унга бириктирилган 1530233га, деҳқон хўжаликлари сони 23179 та 8407га, томорқа ер эгалари 4159146га бўлиб уларга 215279 га бириктирилган. Қоштепа канали қурилишининг таъсири 2182826 га ерга бўлиши мумкин. Ўрта Осиё давлатлари ўртасида 1980 йилда (5та давлат) квоталар тасдиқланган бўлиб, ҳозиргача шу келишувга амал қилинади. Толибон Ҳукумати тамонидан трансчегаравий сув муаммоларини ҳеч қандай қўшни давлатлар билан келишмасдан ўзбошимчалик билан амалга ошириши ноқонуний ҳолат деб тушуниш мумкин. Шунинг учун, Ўрта Осиё давлатлари ўртасида келишув ишларини олиб бориш керак. Тарихий манбалардан маълумки сув ресурслари билан таъминланиш даражаси паст бўлганлиги учун Сибир сувларини олиб келиш лойиҳалари устида ишланганди.

Хулоса қилиб айтганда, 1. Ўзбекистонда деҳқончилик қилишга яроқли ерлар 20,2 млн гектар бўлиб, ҳақиқатда сув танқислиги туфайли 4,3 млн гектарга деҳқончилик қилинмоқда. Шунинг учун сувдан самарали фойдаланиш учун инновацион технологияларни жорий этиш билан бирга ердан фойдаланувчи субъекларга молиявий имтиёзлар бериш ишларини йўлга қўйиш зарур бўлади.

2. Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи сувли ерлар ҳиссасига тўғри келса, ялпи маҳсулотининг 60 фоизидан ортиғини суғорма деҳқончиликда

етиштирилади. Шунинг ҳисобига 20 фоиз атрофидаги миллий даромад яратилади. Бир йилда сувга бўлган талаби 55-56 миллиард км³ кубни ташкил қилса, унинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилишини инобатга олиб, сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш керак бўлади.

3. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига кескин хавф солаётган амударё сувидан Толибон ҳукумати тамонидан трансчегаравий шерикликда фойдаланиш ҳуқуқи бўлганлиги учун Афғанистон республикаси Балх вилоятидан ўрувчи Қош тепа каналининг узунлиги 285 км бўлиб, 2022 йилда 40 км узунликдаги канал қазилди, Канал қазилиши 6 йилга мўлжалланган бўлиб унинг умумий суммаси 684 млн. АҚШ долларни ташкил этади. Олинадиган сув ҳисобига 60000 минг гектар ерлар ўзлаштирилиши ва унга Пуштин қабилаларини кўчириб келиш ишлари олиб борилмоқда. Каналнинг эни 100м, чуқурлиги 8,5м каналдан 10 км куб сув олиними Ўзбекистонга яна сув муаммоларини янада жадаллаштиришга олиб келади.

4. Амударёнинг узунлиги 2540 км бўлиб, охириги ўн йилликларда Орол денгизига умуман сув етиб бормаётган бир пайтда, Толибон ҳукумати тамонидан амударё сувнинг 7,8 фоизини олиними натижасида мамлакатдаги 2182826 га деҳқончилик ерларига сув тақчиллиги бўлиши мумкин.

5. Ўрта Осиё давлатлари ўртасида Қоштепа каналини қуриш ва сув тақсимоти бўйича келишув битимларини олиб бориш керак. Ҳамда Собиқ совет тузилишида республикага Сибир сувларини олиб келиш бўйича лойиҳалаштириш ишлари олиб борилган эди. Бизнинг тақлифимиз бўйича шу лойиҳани тиклаш ва устида яна музокаралар олиб бориш зарур бўлади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. У.П.Умурзоқов, А.Ж.Тошбоев, Ж.Рашидов, А.А.Тошбоев «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент» (Ўқув қўлланма), Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2008. -267 б.
2. Toshboyev A.J. Ko‘p tarmoqli fermer xo‘jliklarini tashkil etish va boshqarish. O‘quv qo‘llanma. – Т.: Iqtisod – moliya 2021. -544 bet.
3. Тошбоев А.Ж., Азизкулов Б.Х., Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ресурстежовчи технологиялардан фойдаланиш йўллари Монография. Т.: “MUXR-PRESS”, 2017. -176
4. Toshboyev A.J., Abduvosiqov A.A., Yangiboyev X.B., Mirzayev M.U., Agrobiznesda Innovatsion faolyat. O‘quv qo‘llanma. Т.: „Iqtisod-Moliya“, 2021. -380 б.